

## Нуъмон Мўйдинов

### ТОЗА ҲАВО

(Бўлган воқеалар асосида 2 парда 7 кўринишли драма.)

#### Қатнашувчилар:

1. **Латиф Лочинов** – Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, иқлим ўзгариши туман бўлими бошлиғи, 25-30 ёшда.
2. **Содиқ Солиев** – собиқ раҳбар, соқолли.
3. **Носир** – атмосфера муҳофазаси назоратчиси.
4. **Муҳайё** – тозалик, чиқинди назоратчиси, 40 ёш, кўзойнакли.
5. **Ислон** – ер-сувдан фойдаланиш назоратчиси.
6. **Меливой** – био хилма-хилликни асраш назоратчиси.
7. **Фармонбек** – туман ҳокими ўринбосари.
8. **Мавлуда** – медицина ҳамшираси, 20 ёшда.
9. **Мавлон** – Мавлуданинг акаси, 40 ёшларда.
10. **Собир ота** – деҳқон, Мавлуданинг дадаси, 60 ёшда соқолли.
11. **Хуснилло** – блогер, бўйнига фотоаппарат осиб юради.
12. **Хушрўй** – спортчи, келинликка номзод.
13. **Афифа ва Ҳамдамий** – яллаци ва шоир, эр-хотин.
14. **Турдивой** – нефт заводи директор ўринбосари, тадбиркор.
15. **Илёс** – дарахт кесувчи.
16. **Тўтиё** – шоира.
17. **Ўктам ака** – маҳалла раиси.
18. **Карим Каримович** – Экология вилоят бўлими бошлиғи.
19. **Қосим** – ҳайдовчи.
20. **Лобар** – котиба.

## **1– кўриниш:**

Латифжоннинг иш кабинети. Тўрида стол, стулда Фармонжон ўтиради. Ён томонда китоб шкафи, папкалар туради. Иккинчи тоқчада китоблар терилган. Шкаф ва иккинчи томондаги стулларда Латифжон, Содик тоға, Носиржон, Муҳайё опа, Исломжон, Меливой ўтиради. Фармонбек туриб, салмоқ билан сўзлайди.

**Фармонбек:** Дунёда экологик вазият жуда жиддий. Шу боис мамлакатимизда экология, атроф муҳитни сақлаш вазирлиги тузилди. Туманда битта экология ходими бўлиб ҳокимиятга бўйсунарди. Энди бошлиқ, тўртта инспектор тайинланди. Иккита кабинет ажратилиб ҳокимиятга бўйсунмайдиган ташкилотга айланди. Эски экология ходими Содик соқол (*бармоғини бигиз қилиб кўрсатиб.*) ўзгаларнинг тагини қавлаб умри ўтди. Иши қониқарсиз эди, амалдан ҳайдалди. Шу туман ўғлони Латифжон Лочинов тайинланди. (*Латифжон туриб кўксига қўл қўяди, ўтиради.*)

Эски бошлиққа туманимизда иш йўқ. Бирор ерда фаррошми, қоровулми бўлади. Янги бошлиққа ишида ютуқлар тилайман. Ўзларинг яхшилаб танишиб оласизлар. Мени ҳокимиятда ишларим бор. Хайр. (*Чиқади.*)

**Латифжон:** Фармон ака, яхши боринг. (*Тавозе билан кузатади.*)

**Содик ака:** (*Туради.*) Латифжон сизни ходимлар билан таништириб кўяй. (*Қўл билан кўрсатиб сўзлайди.*) Носиржон атмосфера тозалиги назоратчиси, маиший чиқинди-тозалик инспектори Муҳайёхон, сув-ер инспектори Исломжон, биологик хилма-хилликни сақлаш назоратчиси Меливой бўлади. Меҳнатқаш, ишини пухта биладиган ходимлар.

**Латифжон:** Улар билан иш бўйича учрашганман, танишмиз.

**Муҳайё:** Содик ака, Фармонжон камситса ҳам сиз яхшисиз.

**Содик ака:** Мен туман ўртасида бўлган пахта заводини чеккага олиб чиқдим. Шу ҳокимга ёқмади. Фармонжон блогерни қайраб иғво қилдирди, номимни қорага бўяшди. Блогердан эҳтиёт бўлинглар. Мени томоғимга тўмиқдай тикилган мушкул иш бор. Шу сизга қоляпти, Латифжон.

**Латифжон:** У қандай иш, Содик ака?

**Содик ака:** Ҳозир айтсам иғво бўлмасин. Дуч келгач, билиб оласиз.

**Латифжон:** Устоз, энди нима иш қиласиз? Фармон ака сизга иш бермайман деди. Нафақага чиқишга ҳали эрта бўлса керак.

**Содик ака:** Уч-тўрт йил бор. Вилоятга сизни ўрнингизга чақириш-япти. Илгари экология кераксиз соҳа эди. Табиатни булғаб, хўрлаб яшадик. Инсоният хатосини энди тушунапти. Табиат барча башарни онаси. Онани хўрлаган, камситган ҳеч ким бахтли бўлмайди, ўғлим. Сизлар энг муҳим, савоб иш қиляпсиз. Одамлар онгини ошириб, уларга суяниб ишланглар.

Табиатга муҳаббат умрга барака, мазмун беради. Сизларга омад тилайман. *(чиқади.)*

**Муҳайё:** Бечора, Содик тоғага раҳмим келди. Мазах қилиб ҳайдашди. Ҳурмат билан кузатиш керак эди. Озми-кўпми экологияга хизмат қилди.

**Латифжон:** Ҳозир экологияга катта эътибор берилляпти. Содик акадай мутахассислар кам, ўрнини топади. Ташкилотимиз янги, қилинадиган иш кўп. Эрталаб устоз ёрдамида қилган ишларинг қайд қилинган папкалар билан танишдим, дадил қадам ташлагансиз. Уларни ўзларингга бераман. *(Стол устидаги папкани олади, устини ўқийди.)* Атмосфера, тоза ҳаво муҳофазаси Носиржонга. *(Папкани беради, Носиржон олиб ўтиради.)* Маиший чиқиндилар, маҳаллалар тозалиги.

**Муҳайё:** Мени папкам. *(Олади, ўтиради.)*

**Латифжон:** Ер-сувдан фойдаланиш назорати Исломбекка. *(Беради.)* Муҳит, биологик хилма-хилликни асраш папкаси Меливойга. *(Беради.)* Режа асосида ишни давом эттирамиз. Бир ҳафта зарбдорлик билан ишлаймиз. Мен қатнашаман, ишни ўрганамиз, камчилик бўлса тузатамиз, зарур бўлса чора кўрамиз. Ҳозирдан бошлаймиз, иш кабинетига киринглар. *(Ҳамма чиқади, бўйнига фотоаппарат осган Ҳуснилло шошиб киради.)*

**Ҳуснилло:** Бу экология хонасими? Менга бошлиқ керак.

**Латифжон:** Келинг. Мен бошлиқман, қандай хизмат бор?

**Ҳуснилло:** Мен республикага танилган блогер Ҳуснилло бўламан.

**Латифжон:** Олдинги бошлиқ Содик ака блогер бор деди.

**Ҳуснилло:** Ўша менман. Ҳамма доно деб чақиради.

**Латифжон:** Жуда яхши. Хизмат, Ҳуснилло?

**Ҳуснилло:** Содик соқолни мен ағанатдим. Қасди бор. Шу сабаб ёмон гаплар айтган. Мен дономан. Истасам, сизниям тебратиб қўяман.

**Латифжон:** Энди иш бошладим, тезда тебратаман деманг, Ҳуснилло.

**Ҳуснилло:** Бошлиқ билан танишгани кирдим. Мен блогерман.

**Латифжон:** Билдим, ҳозир айтдингиз.

**Ҳуснилло:** Тўлиқ айтганим йўқ. Блогер сўзидаги б – ҳарфи билим, л – лаёқат, о – оқил, г – гўзаллик, э – эпчиллик, р – ростгўйлик маъносини билдиради. Шунинг учун эл мени доно дейди.

**Латифжон:** Тушунарли, доножон. Б ҳарфи билимни билдиради, институтда ўқиганмисиз?

**Ҳуснилло:** Йўқ, лекин ўқигандан аъломан. Мен компютерчи курсини битирдим. Компютер, интернетни беш бармоқдай биламан. Камчилик кўрсам *(Фотоаппаратни кўрсатиб.)* суратга оламан, маълумот йиғаман, интернетга чиқараман. Камчилик, хато, жиноят элга ошкор бўлади. Жазосини олади. Мен элнинг кўз-қулоғи бўламан.

**Латифжон:** Ишингиз учун маош оласизми?

**Хуснилло:** Буюртма берганлар пул тўлашади.

**Латифжон:** Содик акани танқиди учун ким пул тўлади?

**Хуснилло:** Эсимда йўқ.

**Латифжон:** Уни нимага танқид қилдингиз?

**Хуснилло:** Катталарни палагини эзган экан буюртма беришди.

**Латифжон:** Нима деб танқид қилдингиз?

**Хуснилло:** Жин ариқда қамишгача қуриди. Ўтти еб, эшак ўлибди, суратга олдим. Йўлда машина уриб товук ўлди, сойда ит ўлди. Суратга олиб интернетга чиқардим. Эколог қарамайпти дедим. Ҳоким бўшатди.

**Латифжон:** Энди экология ҳокимиятга бўйсунмайдиган ташкилот бўлди. Бундай ноҳақ танқид қилманг.

**Хуснилло:** Билдим, кучайибсизлар. Бўлди танқид қилмайман.

**Латифжон:** Элнинг кўз-қулоғиман дедингиз, ишондим. Донолар доносиман дедингиз, ишондим. Сиз билан биргаликда атроф-муҳитни сақлаш, тозалиги учун курашсак, нима дейсиз?

**Хуснилло:** Албатта, курашамиз. Сизни суриштирдим. Институтни экология факултетини битирибсиз. Ҳақиқий мутахассис экансиз. Донолар доноси сифатида ёрдам бераман. Қўлни беринг.(Қўл ушлашади.) Амалга ўтиргунча қаерда ишладингиз?

**Латифжон:** Виложат экаология бўлимида ишладим.

**Хуснилло:** Улуғ экансиз. Аёлингиз нима иш қилади?

**Латифжон:** Аёлим йўқ, бўйдоқман.

**Хуснилло:** Қизлар бозорида ўқиб уйланмадингизми?

**Латифжон:** Бизни факултетда қизлар йўқ эди.

**Хуснилло:** Зарари йўқ, тўғрилаймиз. Уйланасизми?

**Латифжон:** Яхши қиз бўлса уйланаман.

**Хуснилло:** Сиз қандай келинни яхши қиз дейсиз?

**Латифжон:** Талабим, қиздақа қиз бўлсин.

**Хуснилло:** Ғалатимисиз?! Дарахтни бир тепсангиз тутдай дув этиб қиз тўкилади. Сиз туман экология бошлиғи, амалдор одамсиз. Қизларни чертиб-чертиб жаранглаганини олинг. Интернет, телеграм каналида қизлар сероб. Мен блогер сифатида йигитга келин, қизларга куёв топиш вазифасини бажараман. Сизга мосини топаман. Бош талабингиз қанақа?

**Латифжон:** Қиздақа қиз бўлсин дейман.

**Хуснилло:** Буни тушундим. Қиз жониворни бўйи, ҳусни, ёши, сочи, кийиниши, билими, ота-онаси каби юз хил хусусияти бор. Ёки топилганини қорига ўхшаб, кўз юмиб оласизми? Келинни бир оёғи иккинчисидан узун бўлса, аттанг қилмайсизми?

**Латифжон:** Йўғ-э, унақа бўлмасин.

**Хуснилло:** Бўлмаса шартингизни айтинг.

**Латифжон:** Келин соғлом бўлсин. Ўзимга ўхшаган экологиядан олий маълумотли бўлса, яхши. Асосийси, экологик тоза бўлиши керак.

**Хуснилло:** Экологик тоза бўлиш учун кунига ҳаммомга тушадими?

**Латифжон:** Кунига юз-қўлини, тишини ювса бас. Спиртли ичимлик ичмаслиги, нос, сигарет чекмаслиги, юзини кўп бўямаслиги керак.

**Хуснилло:** Шундай қиз бор, жўнатаман. Гаплашинг, ёкса тўй бўлади.

**Латифжон:** Сиз ҳақиқий дўстни ишини қияпсиз, хурсандман.

**Хуснилло:** Мен шунақа ҳаммага меҳрибон, дўст йигитман.

**Латифжон:** Сиз билан дўст тутинамиз. Экологияни бирга асраймиз. Биз ҳақимизда интирнетга ёмон мақола ёзмайсиз, хўпми?

**Хуснилло:** Бўлди, мен дўстликни қадрлайман. Қизни жўнатайми?

**Латифжон:** Жўнатиш, учрашаман, дўстим. (*Қўл узатади.*)

**Хуснилло:** Жўнатаман, сизга яхшилик қиламан. (*Қўл сиқиб, чиқади.*)

**Латифжон:** Билиб-билмай айюҳаннос соладиган карнайчи билан дўст бўлган яхши. (*Папка тутган Ислом ва Турдивой киради.*)

**Ислом:** Бу акам нефт заводи директор ўринбосари Турдивой ака. Ҳам тадбиркор экан, ҳаммом қурибди. Иккаламиз келишолмай қолдик.

**Латифжон:** Келинг ака, ўтиринглар. (*Ўтиришади.*) Нима гап?

**Турдивой:** Халқимиз соғлигини ўйлаб ҳаммом қурганмиз. Ҳужжат-ни олдинги бошлиққа топширдик. Фойдаланишга рухсат бергунча ҳайдал-ди. Рухсат беринглар, ишни бошлайлик деб келдим.

**Латифжон:** Исломжон, қурилиш билан танишдингизми?

**Ислом:** Танишдим. Содиқ ака ҳаммом оқавасини тиндирувчи ҳовуз қуришни, филтр ўрнатишни талаб қилиб фойдаланишга рухсат бермаган. Булар филтрсиз оқавани Жинариққа оқизмоқчи. Рухсат бермадим.

**Латифжон:** Турдивой ака, нега ҳовуз қурмадинглар?

**Турдивой:** Қураамиз, фойдаланиб даромад олайлик. Эшагидан тўқи-ми қиммат тушяпти. Эски ҳаммом суви тўғри сойга оққан.

**Латифжон:** Талаб кучайди. Филтр, ҳовуз бўлмаса рухсат бермаймиз.

**Турдивой:** (*қизишиб*) Сизлар Содиқ соқолдан ўтиб кетдинглар. Буни ҳокимият тасдиқлади, сизлар ҳам тасдиқланг.

**Латифжон:** Қонунни талаб қияпмиз, рухсат беролмаймиз.

**Турдивой:** Ҳокимиятга арз қиламан. Бошларингга соқолни куни тушади. Мушдек болалар мутаҳамлик қиласизлар. (*Зардалаб чиқади.*)

**Ислом:** Арз қилади, чатоқ бўлди.

**Латифжон:** Балки, хатосини тушунар. (*Ислом чиқади.*) Ишимиз серғалва. Тушунтириш, тарғиботдан иборат. (*Муҳайё ва Мавлуда киради.*)

**Муҳайё:** Латифжон, Мавлудахон олдингизга иш билан келибди.

**Латифжон:** Келинг, ўтиринг. (*Ўтиришади, Муҳайё чиқади.*)

**Мавлуда:** Мен Тинчлик шаҳарчасида яшайман, поликлиникада ҳамшираман. Шаҳарчадаги нефт заводи узуликсиз ишлайди, ҳавони булғайди. Шабада йўқ пайтида тутун ва цехлардан чиққан бадбўй ҳидга чидаб бўлмайди. Шаҳарча ва атроф қишлоқларда ўпка, нафас йўли касаллиги кўп. Биз олдинги экология раҳбари Содик тоғага ариза билан мурожаат қилдик. У киши вазиятни яхшилаш деб югурди, аммо натижа бўлмади.

**Латифжон:** Айтилган гаплар ҳужжат қилинганми?

**Мавлуда:** Ҳавони бадбўйлиги ҳақида шаҳар аҳлидан ариза ёзилган. Мингдан ортиқ одам имзо чеккан. Кичкина шаҳарчада эллик киши нафас йўли, ўпка касалига чалинган. Ўнта одам ўпка саратонига йўлиққан. Буни сабаби илмий томондан текширилмаган, аммо беморлар заводда ишлаган, шу атрофда яшайди. Саратонга чалинганлар кўп сигарет чеккан. Чекиш ўпкани кучсиз қилган, завод тутуни саратонга айлантирган.

**Латифжон:** Беморлар исм-фамилиясини кўрсатиб, медицина хулосасини беринг. Текширишга асос бўлади. Йўқолмаган бўлса аҳоли имзо чеккан талабномани кўшиб келинг.

**Мавлуда:** Йўқолгани йўқ бераман. Ходимларингиз ичиш, чекиш зарари ҳақида мактабда суҳбат ўтказса дегандим. Мен ҳам қатнашаман.

**Латифжон:** Шундай режамиз бор. Албатта, сизни таклиф қиламиз.

**Мавлуда:** Медицина маълумотини олиб келаман. *(Чиқади.)*

**Латифжон:** *(Кнопкани эзиб столдаги микрофонга гапирди.)* Алло, Носиржон, атмосфера ҳолати юзасида қилинган ишлар ҳақидаги маълумотларни олиб кириш. *(Папка кўтариб Носиржон киради.)*

**Носиржон:** Бошлиқ, ҳужжатлар нега керак бўлди?

**Латифжон:** У ерда нефт заводи ҳақида маълумот борми?

**Носиржон:** Завод бутун водий ҳавосини булғашини ҳақида маълумот бор. Бартараф қилиш йўлида Содик тоға кўп иш қилибди, ҳужжатлаштириб қўйган. Соқолли бобони иши пухта экан.

**Латифжон:** Завод қачон қурилган?

**Носиржон:** Ҳозир. *(Ўтиради. Папкани очиб ўқийди.)* Завод Ўрта Осиёдаги энг кексаси экан. Россия империяси 1900 йили водийга темир йўл ўтказган, Олтиариқда бекат қурилган. Бинолар қуриш учун Чимёндан тош, ёғоч келтирилган. Бош инжинер аравалар ғилдираги ўқига қора мой суртилганига эътибор қилган. Мой қаердан олинганини сўраган. Аравакашлар мой Чимёнда булоқ бўлиб чиқишини, аҳоли ёқиш, мойлаш учун ишлатишини айтган. Инжинер мойбўлоқни кўрган, Тошкентга хабар берган. Ўрта Осиёда қидирув қилаётган Нобел компанияси одамлари келиб кўришган ва аҳоли сифатли нефтни аниқлашган. 1907 йили Олтиариқда нефтни қайта ишлаш заводи қурилган. 1910 йили заводда буғ билан ишловчи электрстанция қурилган, водийда биринчи электр чироғи ёнган.

120 йилдан бери завод ишлаяпти. Биринчи ва иккинчи жаҳон уруши пайтида завод тўхтовсиз ишлаган. Ўрта Осиёни маҳсулот билан таъминлаган. Саноат ривожланган сари кичкиналик қилиб қолган. Фарғона қирида янги завод қурилган. Қиргули шаҳарчаси пайдо бўлган. Бизнинг завод ёрдамчи бўлиб, нефтга дастлабки ишлов беради. Маҳсулот 20 километрли қувур билан Қиргули заводига ҳайдалади. У ерда охириги ишлов берилади. Ҳозир заводда бир ярим минг одам ишлайди.

**Латифжон:** Нима учун ҳавони кучли булғайди?

**Носиржон:** Завод ускуналари эски. Нефтга биринчи ишлов берилгани учун кўп тутун, ҳид чиқади. Мўрилар паст, хонадонларга киради.

**Латифжон:** Мўрини баланд қилса бўлар.

**Носиржон:** Содик ака 20 метрни 40 метрга кўтартирган. Барибир, пастлик қияпти. Тутун, ҳид хонадонларга киради.

**Латифжон:** Қиргулидаги заводни мўриси неча метр?

**Носиржон:** Қирни баландлиги кўшилиб 100 метрдан ошади.

**Латифжон:** Бу завод ускунасини янгилаш, мўрини кўтариш керак.

**Носиржон:** Заводни текшириб, дирекцияга айтаман. *(Чиқади.)*

**Ҳилола:** *(Спорт формасида сакраб киради.)* Ассалому алайкум! Экология ташкилоти бошлиғи Латифжон сизми?

**Латифжон:** Ие! *(Чўчиб кетади.)* Ҳа, мен бўламан, келинг.

**Ҳилола:** Мен таэквандо бўйича спорт устаси, уч карра вилоят чемпиони Ҳилолахон бўламан.

**Латифжон:** Чиройли исмингиз бор экан. Хўш, хизмат Ҳилолахон?

**Ҳилола:** Мен спортни жонимдан севаман. Тўсқинлик қилмайсизми?

**Латифжон:** Тўсқинлик қилмайман. Таэквандо қанақа спорт?

**Ҳилола:** Билмайсизми? Эркин кураш тури. Армияда бўлганмисиз?

**Латифжон:** Бўлганман, бир йил хизмат қилдим. Сержантман.

**Ҳилола:** Олий маълумотлисиз, нега зобит эмассиз?

**Латифжон:** Армияга бориб имтиёз олдим. Кейин институтга кирдим.

**Ҳилола:** Маълумотингиз олий экан, етади. Мен республика биринчилиги учун тайёргарлик қияпман. Тўсқинлик қилмайсизми?

**Латифжон:** *(Елка қисиб, қўлини ёзади)* Тўсқинлик қилмайман.

**Ҳилола:** Қўлингизни узатинг!

**Латифжон:** Нимага? *(Ҳайрон бўлади.)*

**Ҳилола:** Куч синашамиз, ўзингизни ҳимоя қилинг!

**Латифжон:** Ие! Мен қиз бола билан куч синашмайман. Йигит кишига уят бўлади. *(Қўлини олдинга чўзиб панжаларини ёзади.)*

**Ҳилола:** Шунақами?! Йа!!! *(Қичқириб Латифнинг қўлини тортади, пешонасига уради, йиқитади.)* Сувга бўккан нондай бўшангсиз. *(Эшик очилиб Муҳайёнинг боши кўринади. Ҳайрон тикилади.)*

**Латифжон:** Ие! Нимага урасиз? Сиз қанақа қизсиз?! (*Туради.*)

**Ҳилола:** Бу таэквандоча танишув дейилади. Куч синашдик. Ўзингиз танишаман деб таклиф қилибсиз-ку! (*Эшик ёпилади.*)

**Латифжон:** Сиз билан танишаман демадим. (*Пешонасини силайди.*)

**Ҳилола:** Вой! Ҳурматли блогер Ҳусниллога мен бошлиқман, вақтим йўқ. Танишгани келин келсин дебсиз-ку. Мен келинман, келдим ва билдим: бўшангсиз. Ишхонада бошлиқ бўлсангиз ҳам оилада бош бўлгани ярамайсиз. Оилада мен бошлиқ бўламан, розимисиз?

**Латифжон:** Ие, сиз келинмисиз?! (*Пешонасини силайди.*)

**Ҳилола:** Келинликка номзодман. Кўринг! (Кўл ёзиб қоматини тебратади. Латифжон чўчиб нари силжийди.) Республика биринчилигига тайёрланаман, оилада бошлиқ бўламан. Шартимга розимисиз?

**Латифжон:** Оилада бошлиқ?! (*Пешонасини силайди.*) Ўйлаб кўрай. Блогер Ҳусниллодан жавобини айтаман.

**Ҳилола:** Жавобингизни кутаман. (*Кўл кўтариб.*) Чао!!!

**Латифжон:** Чао нима дегани?

**Ҳилола:** Хорижий хайр дегани. Чао!!!

**Латифжон:** Ча... ча, яхши боринг. (*Пешона силайди, қиз кетади.*)

**Муҳайё:** (*Кириб келади.*) Яхшимисиз, ука.

**Латифжон:** Яхшиман, Муҳайё опа.

**Муҳайё:** Топур-тупур бўлди. Ҳавотир бўлиб қарасам полда ўтирибсиз. Анови қиз сизни урдими?

**Латифжон:** Йўғ-э... Ўзимиз, шунчаки, ҳазиллашдик.

**Муҳайё:** Мен келинман деди, сизга унаштириб қўйилганми?

**Латифжон:** Йўқ, блогер Ҳуснилло кўринг деб юборибди.

**Муҳайё:** Уйланганингиз йўқми, ука?

**Латифжон:** Иложи бўлмади, опа. Дадам нефт заводида ишлаб касал-га чалинди. Бечора ўпкаси узилгудек йўталарди. Даволатдик, бўлмади, эрта кетди. Ўқишга кириб аранг ўқидим. Пул йўқ, ўқишдан кейин ма-дикорлик қилардим. Онам фаррош, топишини маззаси йўқ. Бир илож қи-либ иккита сингилни узатдик. Энди менга навбат келди.

**Муҳайё:** Бечора, жуда қийналган экансиз.

**Латифжон:** Қийинчилик ўтди, бу ёғи яхши бўлади.

**Муҳайё:** Илоҳим, яхши бўлсин. Уйланиш, жуда нозик иш. Келин топишда Ҳусниллога ишонмай, ота-онасини суриштириб танланг. Элда онасини кўриб, қизини ол деган мақол бор. Эс-ҳушли бир аёлни биламан. Уни ой деса ойдек, кун деса кундек, илмли қизи бор. Уни сиз танийсиз.

**Латифжон:** У қиз ким?

**Муҳайё:** Ҳамшира Мавлудахонни айтяпман. Ўзидан ортиб элни

гамини ейди. Ҳайрон қоламан. Бу ҳаммани кўлидан келмайди. Яна келганда яхши кузатинг. Сизга ёқса, ўртада тураман.

**Латифжон:** Хўп, қарайман. Опа, сизга бир илтимосим бор. Сиз ҳаммани танийсиз, газета бошлиғи Зухра Зокирова билан яхшимисиз?

**Мухайё:** Шоира аёл, илгаридан танишман. Ёшлигимда мен ҳам шеър ёзардим. Тўгаракка бирга қатнаганмиз. Нега сўраяпсиз?

**Латифжон:** Одамларни экология, атроф-муҳит муҳофазасига жалб қилиш учун туман газетасидан фойдалансак дейман. Газетада экология мавзусида энг яхши шеър, мақола, ҳикоя учун танлов эълон қилсак. Голибларга мукофот бўлади. Опа ёрдам берармикин?

**Мухайё:** Албатта, ёрдам беради. Зухра бунақа ишга жуда қизиқади. Мен бориб йўл-йўриғини гаплашиб келаман.

**Латифжон:** Одамларни кўзини очиш, табиат муҳофазасига жалб қилиш лозим. Шунда ишимиз юришади. Туманда энг кўп кўчат экиш бўйича “Яшил кўча” танловини эълон қиламиз. Мукофоти бўлади. Бу танловга ҳам Зухра опа газетада эълон берса дегандим.

**Мухайё:** Айтаман, эълон беради. (Чиқади. *Ҳуснилло киради.*)

**Ҳуснилло:** Юборган келиним ёқдимиз? Сиз унга ёқибсиз.

**Латифжон:** Ҳали ўйлаб кўрганим йўқ.

**Ҳуснилло:** Ўйланмай таваккал қилинг. Спортчи, экологик тоза қиз.

**Латифжон:** Таваккалнинг боши кал, шошмаслик керак. Менга бир зарба берди, ҳалиям пешонам оғрияпти. (*Силайди.*)

**Ҳуснилло:** Ҳилола хужумкор, тезоб. Машғулотнинг таъсири теккан. Бекорга вилоят чемпиони эмас. Республика чемпиони бўлиши мумкин. Биринчи таассуротингиз қандай?

**Латифжон:** Яхши эмас. Ўта тезоб, қўли югурак. Пешонамни чўқиб, ағанатиб кўйди. Кўзи, юзи ўта жиддий.

**Ҳуснилло:** Юзида бўёқ йўқ, упо-эллиқ кўйса очилиб кетади.

**Латифжон:** Гап бўёқда эмас. Қиз бола очиламан деган гунчадек бўлиши керак. Турмушга чиққач, гуллайди. Уни кўриб куёв гуллайди. Бу қиз менга унча маъкул келмади. Ҳозирдан оилада бош бўламан дейди.

**Ҳуснилло:** Яхши, кулиб турадиган, дилга қувонч бағишлайдиган пулдор келин бор, жўнатаман. Кутинг, кўрибоқ ошиқ бўласиз. (*Чиқади.*)

Парда

## 2– кўриниш.

Биринчи кўриниш ҳолати такрорланади. Бошлиқ кабинети. Латифжон ўрнида ўтиради. Эшиқ таққиллайди.

**Латифжон:** Ким у? Кириг. (*Шапкали киши киради.*)

**Қосим:** Менга бошлиқ керак эди.

**Латифжон:** Мен бошлиқман, қандай хизмат бор?

**Қосим:** Бизни туманда қачон ҳалоллик бўлади, ўғлим?

**Латифжон:** Нима бўлди, тоға? Тушунтириб сўзланг.

**Қосим:** Мен таксичиман, и смим Қосимбой. Кеча ДАН ходимлари машина тутунини текширишди. Ифлослиги юқори деб жарима солишди. Бензиннинг сифати ёмон, шунинг учун яхши ёнмаяпти десам, кулок солишмади. Замона зўрники, томоша кўрники бўляпти. Олдин АЁҚШдаги бензинни текшириб, кейин жарима солишмайдими?!

**Латифжон:** АЁҚШдаги бензинга нима қилган?

**Қосим:** Сифати ёмон. 90 деб ёзишган 60гаям тўғри келмайди.

**Латифжон:** Нимага унақа?

**Қосим:** Сабабини аниқладим. *(Атрофга аланглаб, овозини пасайтириб сўзлайди.)* Уйим нефт заводининг орқасидаги кўчада. Ярим кечада орқа эшикдан цистернали машина чиқади. Юки оғир, секин кўзғалади. Ўғирлик бензин бор, биламан. Қаёққа бораркин деб бир куни орқасидан тушдим. Биласизми қаёққа борди?

**Латифжон:** Қаёққа борди?

**Қосим:** Туман марказидаги АЁҚШга бориб юкни бўшатди. Бизни завод нефтга биринчи ишлов беради. У бензин эмас, газалит. Шунинг учун қувур орқали Қиргулига жўнатади. У ерда иккинчи ишлов берилиб автол, парафин, тоза бензинга ажратилади. Булар ифлос газалитни арзон баҳода АЁҚШга бераркан. Улар тоза бензинга аралаштириб юқори баҳода сотади. Ҳар куни аҳвол шу. Ўн тоннали машина ўғринча қатнайди. Уларни ушлаб жазосини беринглар. Мен машина чиққанда телефон қилиб айтаман.

**Латифжон:** Ўғри ушлаш бизни вазифа эмас, Қосим ака.

**Қосим:** Ҳавони софлигини сақлаш сизларни ишингиз. Сифатсиз бензинда ишлаб ҳамма машина ҳавони булғайди. Ушланглар.

**Латифжон:** Машина ушлашга ҳаққимиз йўқ. Буни мелисага айтинг.

**Қосим:** Бу ерда мелисаниям қўли бор. Заводдаги посбон билади.

**Латифжон:** Сиз мелиса идорасига хабар беринг.

**Қосим:** Ифвогар деб ўзимни қамашади. Бу сизларни ишингиз. Раҳбарсиз, сизга индашмайди.

**Латифжон:** Чўчисангиз ўзингиз бормай, мелисага телефон қилинг.

**Қосим:** Ишонган тоғда кийик йўқ. Хўп қиламан. *(Хомуш чиқади. Эшик таққиллаб, папка ушлаган Мавлуда киради.)*

**Мавлуда:** Мумкинми, Латифжон ака.

**Латифжон:** Келинг, Мавлудахон. Сизга доимо мумкин. Тортинмай кираверинг. *(Ўрнидан туриб жилмаяди. Синчиклаб тикилади. Қиз ўнғайсизланиб ёқасини тузатади. Папка билан кўкрагини тўсади.)*

**Мавлуда:** Ҳисобда турган беморлар рўйхатини, аҳоли имзо чеккан талабномани келтирдим.

**Латифжон:** Мавлудахон, нимага турибсиз, ўтириб олинг. *(Қиз ўтиради, Латифжон юриб орқасига ўтади. Қизга синчиклаб қарайди.)*

**Мавлуда:** Бу ерда фақат нафас йўли касал беморлар рўйхати бор. Уларни кўпи заводда ишлаб бемор бўлган.

**Латифжон:** *(Эгилиб қизни стол тагидан кўринган оёғига қарайди. Бош бармоғини тепага кўтарайди.)* Зўр!

**Мавлуда:** *(Қайрилиб қарайди.)* Касал бўлса, зўрми?

**Латифжон:** Йўқ, мен сизни топқир экансиз, зўр деяпман.

**Мавлуда:** Нимага ўтирмасдан юряпсиз?

**Латифжон:** Мен юриб турсам яхши фикрлайман. Гапираверинг. *(Қизнинг иккинчи ёнига ўтиб қарайди. Бош бармоғини тикка қилади. Гапирмоқчи бўладию оғзини қўли билан тўсади.)*

**Мавлуда:** *(Қайрилиб қарайди.)* Бир нарса дедингизми?

**Латифжон:** Деганим йўқ, йўталдим. Гапираверинг.

**Мавлуда:** Орқада турсангиз ғалати. Сизга қараб гапирайми?

**Латифжон:** Олдингизга қараб гапираверинг, эшитяпман.

**Мавлуда:** Бўпти.*(Олдинга қарайди.)* Бирорта филтр ўрнатиб, чиқаётган ёмон ҳидни йўқотиш ёки бошқа чора қўллаш керак.*(Латифжон яқин келиб қизни бўйнига қарайди.)* Сиз нима дейсиз? *(Ўгирилиб қарайди.)*

**Латифжон:** Зўр, саволингизни яхши эшитмадим, такрорланг.

**Мавлуда:** Сассикни йўқотадиган филтр ўрнатиш керак дедим.

**Латифжон:** Зўр, ўрнатамиз. Сиздан ўтқир ёқимли ҳид келяпти.

**Мавлуда:** Атир сепмасам, сассик ҳид кийимларимга ўтириб қоляпти.

**Латифжон:** Зўр. Сизга қийин экан. Ҳид ёмон таъсир қилмаслиги учун физкултура билан шуғулланинг.

**Мавлуда:** Кунига қомат ростлайдиган ғилдиракни айлантираман.

**Латифжон:** Зўр! Шунинг учун қоматингиз чиройли экан. Тоза ҳаво-да сайр қилинг. Шерик бўлмаса, мени чақиринг, зерикиб юрибман.

**Мавлуда:** Ие, директор одам мен билан сайр қиласизми?

**Латифжон:** Директор ҳам зерикади. Ё ўғил бола шеригингиз борми?

**Мавлуда:** Ҳеч қандай шеригим йўқ.

**Латифжон:** Зўр, зўр! Яхши экансиз.

**Мавлуда:** Ҳамма нарсни зўр дер экансиз.

**Латифжон:** Зўр нарсани зўр дейман. Ҳужжатни зўр қилибсиз. Бу бизга асқатади. Далил сифатида кўрсатаман. Мактаб, ташкилотларда эко-логия ҳақида суҳбат ўтказамиз. Чақирсак келасизми?

**Мавлуда:** Келаман, ичиш, чекишни зарари ҳақида гапираман.

**Латифжон:** Зўр, касбингизни яхши кўраркансиз. Сиз келиб кабинет ёришиб кетди, хушбўй бўлди. Сизни, албатта, чақираман. (*Хужжатни бериб, қиз чиқади. Носиржон, Ислом, Меливой, Муҳайё киради.*) Ҳамкасблар ўтиринглар. Ҳафталик ҳисоботимиз очиқ. Биринчи энг каттамитиз Муҳайё опамга сўз бераман, марҳамат.

**Муҳайё:** Раҳмат. (*Ўрнидан туради.*)

**Латифжон:** Опа, ўтириб гапиринг.

**Муҳайё:** Хўп. (*Ўтиради.*) Тумандаги барча маҳалла фуқаролар йиғинида бўлдим. Кўча, гузарларда санитария, гигиена ҳолат яхши. Тозаликка риоя қилмай белгиланмаган жойга ахлат ташлаган 31 киши аниқланди, тушунтирилди. Шунга қарамай ҳафта давомда бу ишни такрор қилган 9 кишига баъзавий ҳисобнинг бир баробари миқдорда жарима солинди. Бу иш такрорланса жарима икки-уч баравар ошиши айтилди. Туман маркази, Тинчлик шаҳарчасида тозалик талаб даражасида. Мактаб ва маҳаллада атроф-муҳитни сақлаш ҳақида суҳбат ўтказилди. Одамларни бу мавзуга қизиқтириш учун туман газетасида экология мавзусида шеър, ҳикоя, мақола танлови, кўп кўчат ўтказиш бўйича “Энг яшил маҳалла” мусобақаси эълон қилинди.

**Латифжон:** Яхши, раҳмат опа. Меливой, ҳисобот беринг.

**Меливой:** Атроф-муҳит ҳимояси, био хилма-хилликни асрашни назорат қилдим. Ҳолатни яхшилаш учун яшил ҳудуд ҳаракатини бошладик. Туман аҳли, ташкилот, корхона жамоаси иштирокида ҳафта ичида 30 минг мева-манзарали дарахт ўтказилди. Бу иш давом этяпти. Ҳудудда 100 минг дарахт гул ўтказиш режамиз бор. Раста маҳалла ҳудудида яшовчи Илём Отахонов йўл бўйидаги ўн туп қарағайни руҳсатсиз кесган. Табиатга етказган зарари учун унга 375 минг сўм жарима солинди. Илёмбек дарахтни ўзим ўтқаздим, ўзим кесаман деб даъво қилди. Аммо қарор ўзгармай қолди. Жарима тўланишини текшириб тураман.

**Латифжон:** Тўғри қилгансиз. Носиржон, маълумот беринг.

**Носиржон:** Биз бошлиқ билан бутун водий атмосферасини булғает-ган нефт заводида текшириш ўтказдик. Нефтни қайта ишлашда зарарли газ ажралади. Газни камайтириш учун эски ускуналарни янгилаш зарур. Огоҳлантирдик, директор ваъда берди. Заводда нефт ташувчи вагонларни ювиш цехи бор. Вагон буғ ва қайноқ сув билан ювилади. Ювинди тўғри Жинариққа оқизилади. Илгари номи Чинариқ бўлган бу жойни аҳоли ҳозир Жинариқ дейди. Чунки сув йўли нефт қолдиғи билан қопланиб қорайган. Ариқнинг икки юз метрида қамишгача қуриган. Сув тинди-рувчи, тозаловчи ҳовуз қуришни талаб қилиб цехни муҳрадик. Заводни кўкаламзорлашга эътибор берилмаган. Огоҳлантирувчи жарима солдик. Дирекция бадбўй хидни йўқотишга ваъда берди.

**Мухайё:** Ваъдани бажаришса, яхши бўларди.

**Латифжон:** Бажармаса, заводни ёпамиз. Исломжон, навбат сизга.

**Ислом:** Ер-судан фойдаланишда туманда жиддий камчилик топдим. Кадастр 20 гектар унимдор ерни корхона учун берган. Ёнида адирлик бор. Шу жойдан беришни таклиф қилдим. Унумдор ерни захирага қайтаришни тавсия қилдим.

**Латифжон:** Бажарилишини, назорат қилиб тулинг. Туманда эколог-ия атроф-муҳит муҳофазасида яхши иш бошладик. Табиатни сақлашимиз шарт. Ишимизни шундай давом эттираемиз. *(Эшикдан Фармон киради.)* Келинг, Фармон ака.

**Фармонбек:** Сизда гап бор. Иложи бўлса, ёрдамчилар чиқиб турса.

**Латифжон:** Мажлис тугади, чиқиб туришади. *(Ходимлар чиқади.)*

**Фармонбек:** Нима иш қиляпсиз, бола?! Сизни амалга ҳокимият тавсия қилди. Энди ўзимизни кўзимизга чўп тикяпсиз.

**Латифжон:** Чўп тикиб нима қилдим, ака?

**Фармонбек:** Ислом ходимингиз кадастрга ерни нотўғри бергансан деб тўполок қилди. Носир билан бориб вагон ювиш цехини муҳрабсиз. Заводни ёпаман дебсиз. Нега тирноқ тагидан кир қидирасиз?

**Латифжон:** Биз экология талабига бўйсунганини талаб қилдик, холос.

**Фармонбек:** Кимга ҳамла қиляпсиз, биласизми? Ҳоким давлатнинг ишонган кишиси. Завод давлат аҳамиятига молик корхона. Бир ярим минг киши меҳнат қилади. Ёпаман деб дўқ қилибсиз.

**Латифжон:** Дўқ қилмадим. Экология соҳасидаги талабни эслатдим.

**Фармонбек:** Айтгани бажар бўлмаса заводни ёпаман дебсиз-ку.

**Латифжон:** Муҳраман дедим, ёпиш қўлимдан келмайди.

**Фармонбек:** Олдинги бошлиқ ҳовлиқиб ҳайдалди. Бошингизга унинг куни тушмасин. Вагон ювиш цехини очиб беринг.

**Латифжон:** Айтилган ишни бажаришсин, кейин очаман.

**Фармонбек:** Сизни огоҳлантирдим. Пушаймон бўласиз. *(Зардалаб чиқиб кетади. Латифжон юради.)*

**Латифжон:** Бошлиқ экология талабини ҳис қилмаяпти. Аҳвол нозиклигини билмаяпти. Барча одамга тушунтиришимиз керак. *(Илёс киради.)*

**Илёс:** Бошлиқ сиз бўласизми?

**Латифжон:** Бошлиқ менман.

**Илёс:** Меливой деган менга солиқ солди. Қарағайларни ўн йил бурун ўзим ўтқазганман. Ўзим кесдим. Жарима солгани нима ҳақи бор?

**Латифжон:** Дарахтлар кадастр бўйича уйингиз ичидами?

**Илёс:** Йўқ, кўчада. Уларни ўзим ўтқазганман. *(Кўкрагига уради.)* Парвариш қилдим. Зарур эди кесдим, ўрнига ўтқазаман.

**Латифжон:** Илѐс ака, йўлни бўйи давлатники. Дарахт ким ўтқазганидан қатъий назар давлатники ҳисобланади. Табиатга зарар етказганингиз учун жарима тўлайсиз.

**Илѐс:** Дарахт ўтқазмасам, кални бошдай яланг турса яхшими?

**Латифжон:** Ўтқазмасангиз биз ўтқазардик. Ҳар йили яшиллик тадбирини ўтказамиз. Ҳозиргача йўл бўйига 30 минг кўчат эқдик. Йўлларимиз чети ўрмонга ўхшайди. Дарахтни кесиб чўлга айлантиряпсиз.

**Илѐс:** Тушунмаган бошлиқсиз. Кўчатни ўзим эққанман. Кесаман, ҳеч қандай жарима тўламайман!

**Латифжон:** Жарима тўламасангиз, иш судга ошади.

**Илѐс:** Отсангиз ҳам жарима тўламайман. Тўртта болам бор, рўзғорни аранг тебратаман. (*Чиқади. Эшик қарсиллаб ётилади.*)

**Латифжон:** Пешонани ғўри, рўзғорни шўри бўлибди. Ибрат тариқасида жарима тўлатмасак бўлмайди. (*Эшикдан комбинзон, шапка кийган, қомати эгик Мавлон киради. Қўлини мушт қилиб таҳдид билан юради. Латифжон ҳадиксираб стол панасига ўтади.*)

**Мавлон:** (*Ўнг қўл панжасини ёзиб юқори кўтариб хитоб қилади.*) Оқсуқларга ишчи пролетариатдан салом!

**Латифжон:** Салом, салом. Келинг ака, нима хизмат бор?

**Мавлон:** Мен нефт заводи ишчиси Мавлон бўламан. Пролетариат номидан элчи бўлиб келдим. Эшитасизми, оқсуяк? (*Довдирайди.*)

**Латифжон:** Эшитаман, эҳтиёт бўлинг. Ичганмисиз?

**Мавлон:** Дадиллик учун ичдим. Бўлмаса сиздай улуғ олдида гапиролмайман. Кейин бизнинг иш вредний. Спирт ювиб турмаса, йикитади. Вредний ишнияма сиз кўп кўряпсиз. Нега вагон ювиш цехини ёпдингиз? Биз (*Кўкрагига уриб.*) ўттиз киши ишсиз қолдик. Сиз халқ душманисиз.

**Латифжон:** Мен халқ душмани эмасман. Халқнинг соғлиғини ўйлаб шундай қилдим. Цехдан чиққан ифлос сув Жинарикқа тушыбди. Сув, ҳаво булғаняпти. Тозалик ҳовузини ишга солинглар, очиб берамиз.

**Мавлон:** Илгари ҳовуз бор эди, Ҳамроқул қарарди. Нафақага чиққач, ёпилди. (*Овозини пасайтиради.*) Штати ҳозир бор, катталар олармиш.

**Латифжон:** Калаванинг учи топилди. Дирекциядан талаб қилинглар, одам қўйсин, ҳовуз тиклансин, цехни очамиз. Тушунарлими, пролетариат!

**Мавлон:** Тушундим. (*Эшик томон юриб, Мавлудага дуч келади.*)

**Мавлуда:** Ака, бу ерда нима қиляпсиз?

**Мавлон:** Бошлиқда гап бор эди, айтдим. (*Чиқади.*)

**Латифжон:** Мавлудахон, бу киши акангизми?

**Мавлуда:** Туғишган акам бўлади. Нимага келибди?

**Латифжон:** Иш жойини гаплашдик.

**Мавлуда:** Уларнинг иши оғир. Иссиқ буғ ичида юришади. Респи-ратор тутишлари керак, тутишмайди. Нафас йўлида бузилиш бор.

**Латифжон:** Маст, оёғида зўрға турибди.

**Мавлуда:** Кўрдим, жанжал қилмасин деб орқасидан келдим.

**Латифжон:** Яхши одам экан, жанжал қилмади. Мавлудахон, ишдан кейин хиёбонда учрашсак. Экология масаласида гап бор. Вилоят радио, телевидениясида атроф муҳит муҳофазаси бўйича чиқишлар қиламан. Сиз жуда ақлли кизсиз, менга ёқасиз, маслаҳатингиз керак. Кутиб тураман.

**Мавлуда:** Бўпти, ишдан қайтишда хиёбондан юраман. *(Чиқади.)*

**Латифжон:** Оила экологиясини гаплашамиз. Менга кўнармикин?! *(Эшик таққиллайди. Икки бети қизилга бўялган, шокилалари рангдор дўппи, рангдор кўйлак кийган Аффифа киради. Бир қўлида сумка, иккинчи қўлини рақсга тушаётгандек силкитиб сўзлайди.)*

**Аффифа:** Амалдор Латифжон Лочинбой ўғли сиз бўласизми?

**Латифжон:** *(Ҳайрон бўлади.)* Ҳа, мен бўламан.

**Аффифа:** Рост билан-а? Ҳозир. *(Кулади. Сумкани столга қўйиб ичидан кичик чилдирма олади. Чалиб кўйлайди. Эшик қия очилиб Муҳайёнинг боши кўринади, кузатади.)*

Учрашувга келяпман,  
Сирли жойимгаё, сирли жойимга.  
Шод бўламан кувониб,  
Сизга теримгаё, сизга теримга.

Мирзо йигит ўхшайди,  
Биринчи эримгаё, биринчи эримга.  
Энди шерик бўласиз,  
Дилда сиримгаё, дилда сиримга.  
Пул қистириш, қистирмайсизми?

**Латифжон:** Ғалати экансиз. Сиз ким бўласиз?

**Аффифа:** Блогер Хусниллога кабинетда сиқилиб ўтирибман. Шўх-шодон киз бўлса уйландим дебсиз. Шўх киз мен бўламан. Сизни хурсанд қилиш учун ўзим тўқиган қўшиқни айтдим. Талантим бор. Келинларни юз очдисида қўшиқ айтиб даврани киздираман.

**Латифжон:** Ашуллада биринчи эримга ўхшайсиз дедингизми?

**Аффифа:** Ҳа, кўз очиб кўрганимга жудаям ўхшар экансиз.

**Латифжон:** Кўз очиб кўрганингиз нима бўлган?

**Аффифа:** Ажралганмиз. *(Муҳайё эшикни ёпади.)*

**Латифжон:** Ие, нимага?

**Аффифа:** Топиши яхши эмасди. Мени пулимга кўз олайтирарди. Кўйвордим. Озод кушман. Сизнинг чинорингизга қўнмоқчиман.

**Латифжон:** Мени чинорим сизни кўтармайди.

**Афифа:** Кўтаради, мен енгилман. Топишим яхши, ярими сизга. Кўз очиб кўрганим илҳом келсин деб кўп арақ ичарди. Пул бермасдим.

**Латифжон:** Кўз очиб кўрганингиз нима иш қиларди?

**Афифа:** Шоир эди. Лекин битта шеърига битта нон бермасди. Номи улуғ, чўнтаги қуруқ эди.

**Латифжон:** Шоирни чўнтаги қуруқ, лекин маънавияти улуғ бўлади.

**Афифа:** Ие, сиз ҳам шоирмисиз?

**Латифжон:** Йўқ, нега ундай деяпсиз.

**Афифа:** Биринчим раҳматли ҳам маънавиятим улуғ деб мақтанарди.

**Латифжон:** Шоир вафот этганми?

**Афифа:** Газетада ишлайди. Ажралгани, мен учун ўлгани.

**Латифжон:** Шоирни қўйвориб хато қилибсиз. Шеърларини қўшиқ қилиб айтсангиз, кўп пул топардингиз.

**Афифа:** Шеър тўкишни ўрганиб олганман. Ҳозирги қўшиғимни келаётиб тўқидим. Пул қистирмадингиз.

**Латифжон:** Бу тўй эмас, экология хонаси. Агар пул берсак, яхши қўшиқ тўқийсизми?

**Афифа:** Бўпти. Нима ҳақида тўқийман?

**Латифжон:** Экология ҳақида тўқийсиз. Нималигини биласизми?

**Афифа:** Эк... эк... деганидан маълум, экинчилик деганими?

**Латифжон:** Сўзнинг ярми ...логия деган қолиб кетди.

**Афифа:** ... логия лағманчилик деганими?

**Латифжон:** Қанақасиз?! Экология – атроф муҳит дегани. Шоир билан ярашинг. Экология ҳақида шеър ёзсин, қўшиқ қилинг. Газетамизда танлов бўляпти. Биринчи бўлганга ўн кило гўшт пули мукофот бўлади.

**Афифа:** Бўпти. Гўштни қачон берасиз?

**Латифжон:** Танлов байрам куни яқунланади, шунда оласиз.

**Афифа:** Бўпти, шоирни унатаман. Ўн кило гўшт бизники бўлади.

**Латифжон:** Сизники, яхши боринг. (*Афифа чиқади.*) Шоир билан ярашиб кўша қарисин. Голиб бўлса, мукофот олади. (*Муҳайё киради*)

**Муҳайё:** Латифжон, яллачи нимага келибди?

**Латифжон:** Бемаза экан. Эринг билан яраш, танловда қатнаш дедим.

**Муҳайё:** Мавлудахон ҳақида бир қарорга келдингизми?

**Латифжон:** Яхши қиз, менга ёқди. Бугун гаплашай, айтаман.

**Муҳайё:** Байрам яқинлашяпти танловни яқунлаймизми? Газетани ҳар сониди экология ҳақида мақола, шеър чикяпти. Муҳаррир опа фикрингизни сўради. Мукофот берамизми?

**Латифжон:** Яқунлаймиз. Тушган жаримадан мукофот берамиз.

**Муҳайё:** Шоира опага айтаман. (*Чиқади.*)

**Латифжон:** Иш вақти охирлади. *(Соатига қарайди.)* Хиёбонга борадиган вақт бўлди. *(Чиқади.)*

### **3 – кўриниш.**

Хиёбон йўлаги. Пакет ушлаган Латифжон бўйнини чўзиб йўлак бошига қарайди, билагидаги соатга қарайди. У ёқ – бу ёққа юради. Болалар аравачаси етаклаган кампир йўл четидаги курсига ўтиради.

**Латифжон:** Эна, бу ер банд, нариги курсига бориб ўтиринг.

**Кампир:** Ҳеч ким йўқ, банд дейсиз.

**Латифжон:** Ҳозир келади.

**Кампир:** Келса, сиғамиз, жой кўп.

**Латифжон:** Биз кўпчиликмиз. Экология мажлисини ўтказамиз.

**Кампир:** Тавба, боғда мажлис бўладими?

**Латифжон:** Мажлис мана шу муҳит, тозалик ҳақида. Нарига ўтинг.

**Кампир:** Бўпти бақирманг, болам уйғонади. *(Кетади.)*

**Латифжон:** Яхши бўлди. Бировни олдида қиз билан гаплашиб бўладими? Гапим севги ҳақида бўлса. Жойни банд қилиб қўяй. *(Кўлидаги пакетни курсига қўяди. Йўлга қарайди. Чапак чалади.)* Хайрият, келяпти. Юришиям чиройли, ўзига ярашади. Жонон дегани шунақа бўлади. *(Мавлуда келади.)* Келинг Мавлудахон. *(Кўлини кўкрагига қўяди.)*

**Мавлуда:** Кутиб қолмадингизми, Латифжон ака.

**Латифжон:** Йўқ, жуда вақтида келдингиз. Юринг. *(Ўтиришади.)* Экологияни ўйласам сизни, сизни кўрсам экологияни эслайман.

**Мавлуда:** Нимага, Латифжон ака?

**Латифжон:** Сизда ташқи экология, ички экология ҳам покиза.

**Мавлуда:** Ташқи, ички экология нима, ўзбекча гапиринг.

**Латифжон:** Ўзбекча айтсам, ташингиз гул, ичингиз гул.

**Мавлуда:** Вой, рентганга ўхшаб ички органларни кўрасизми?

**Латифжон:** Йўғ-э...Ички дунё, ўй-ниятингизни айтяпман. Ўзингизни эмас, экология тозалигини, халқ соғлигини ўйлайсиз. Сиздақа қизлар йўқ.

**Мавлуда:** Мени жуда мактаб юбордингиз, Латифжон ака.

**Латифжон:** Мактовга арзийдиган қизсиз, Мавлудахон. Сизни ички гулдай экологиянгиз билан мени ички экологиям бир-бирига мос. Рухсат берсангиз иккаламиз экологиямизни бирлаштирсак.

**Мавлуда:** Вой, у нима деганингиз?

**Латифжон:** Бу... ҳалиги, андақа, катта... *(Кўлида кўрсатади. Аравача етаклаб кампир қайтади, тўхтайдди.)*

**Кампир:** Ҳой йигит, мажлис деганингиз шуми?

**Латифжон:** Ҳа, мана экология мажлиси бўляпти.

**Кампир:** Одам кўп деддингиз, иккалангиз, холос-ку.

**Латифжон:** Бу қиз ўнта одамга арзийди, мен биттага арзайман.

**Кампир:** Ёлғончи экансиз. (*Кетади.*)

**Латифжон:** Гапни белига тепдия. Нима деган эдим?

**Мавлуда:** Ҳалиги, катта, анақа дедингиз. (*Қўлида кўрсатади.*)

**Латифжон:** Бу катта нима экан? (*Қўлини гармон чалаётгандек ол-дида тебратади. Ёнида турган қутичани кўради. Жилмаяди.*) Эсим курсин сизга совға олиб келгандим. (*Қутини очиб бир жуфт гул олади.*) Бу сизга, туғилган кунингиз билан табриклайман. (*Узатади.*)

**Мавлуда:** Раҳмат. (*Олади.*) Бугун туғилган куним эмас.

**Латифжон:** Мавлудахон, бугун мен учун янгидан туғилдингиз. Ҳа! Топдим. Йўл бўйи нимани гапиришни ўйлаб келгандим, ҳаяжонда эсдан чиқди. Сиз билан бажарадиган катта мақсадим бор. Энди... анови... ҳалидақа... Вой, бир гапни айтиш жуда қийин, терладим. (*Елтинади.*) Ўзимни босай. Бўлди. Анови...сиз мени экологиямга кўчиб ўтсангиз.

**Мавлуда:** Қандай қилиб экологияга кўчиб ўтаман?

**Латифжон:** Ҳалиги қилиб... Лўндаси, бирга турмуш курсак дейман.

**Мавлуда:** Вой, экология турмуш қуришми?

**Латифжон:** Гапга атлас кўйлак кийдириб айтдим. Ро... розимисиз...

**Мавлуда:** Дарров бир нарса дейишим қийин. Ўйлаб кўришим керак. Бу иш экологиядан ҳам мураккаб, нозик. Уйдагилардан сўрайман...

**Латифжон:** Жуда яхши ўхшатиш қилдингиз. Мен ношуд экология энг нозик деб юрарканман. Гапингизга қараганда турмуш қуриш экология-дан ҳам нозик. Жуда тўғри, ақлингизга офарин. Маслаҳатга махси кийди-риб бундай қиламиз. Сиз бемалол ўйлаб кўринг. Уйдагиларга мен элчи юборай, улар ҳам ўйлашади. Икки ёрти, бир бутун хулоса бўлади.

**Мавлуда:** Даб-дурустдан элчи борадими?

**Латифжон:** Даб-дуруст эмас пилдир-пис қилиб, аста-секин боради. Улар разведкачи. Кўрдингиз, кампирлар инжиқ бўлади. Розимисиз?

**Мавлуда:** Ўйлаб кўрай, кейин айтаман. (*Телефон олиб соатга қарайди.*) Вай, кеч қолдим. Уйдагилар хавотир олади, кетдим. (*Туради.*)

**Латифжон:** Рухсат беринг, кузатиб кўяй.

**Мавлуда:** Қўйинг, одамлар хар хил гап қилади.

**Латифжон:** Гап қилмайди. Экология ҳақида гаплашяпти дейди.

(*Иккаласи юриб кетади.*)

#### 4 – Кўриниш.

Ўйингоҳ саҳнаси. Зал – ўйингоҳ, томошабинлар – байрам қатнашчиси сифатида кўринади. Карнай-сурнай, мусиқа янграйди. Саҳнага Латифжон чиқади, мусиқа тўхтабди.

**Латифжон:** Ассалом алайкум, байрам қатнашчилари! Мен экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш туман тармоғи бошлиғи Латифжон Лочиновман. Байрамларинг муборак бўлсин! (*Фанфара янграйди, қарсак чалинади.*) Раҳмат! Жаннат каби гўзал ватанимиз бор. Унинг гўзаллигини сақлаб, келажак авлодга гўзал ҳолда етказиш учун экология, атроф муҳитга худди онамиз каби ҳурматда бўлишимиз лозим. Чунки табиат бутун башариятнинг онаси. Бу ҳиссиётни одамларга сингдириш учун газетада танлов эълон қилдик. Ҳозир сизлар билан бирга танлов ғолибларини тақдирлаймиз. (*Фанфара чалинади.*) Экологияни сақлаш аввало инсонни тоза турмуш тарзи билан бошланади. Бу ҳақида шоир Ҳамдамий ажойиб шеър ёзди. Умр йўлдоши Афирахон қўшиққа айлан-тирди. Иккаласи ижро этади, томоша қилинг. (*Муסיқа чалинади.*  
*Афифа ўйнайди, Соқолли Ҳамдамий куйлайди.*)

**Ҳамдамий:** Элимнинг барно қизи,  
Қизларнинг ҳам юлдузи.  
Совчи қўйдим сизгаё,  
Не бўлар жавоб сўзи?

**Афифа:** Тўрва соқол бор экан,  
Юрагингиз тор экан.  
Йигит ёшда қарибсиз,  
Сизга келин хор экан.

**Ҳамдамий:** Сизни севдим жудаям,  
Уйланмасам ўламан.  
Сартарошга кираман,  
Соқолдан қутуламан. (*Соқолни олиб полга ташлайди.*)

**Афифа:** Энди бўлдингиз хушрўй,  
Лекин оғзингиз бадбўй.  
Нос, сигарет чекасиз,  
Банги билан бўлмас тўй.

**Ҳамдамий:** Сигарет, нос йўқолсин, (*Сигарет қути, нос шишани*  
*Оғзим атирга тўлсин. ташлайди*)  
Сабрим сира қолмади,  
Тўйим тезроқда бўлсин.

**Афифа:** Кўчангиз экан сахро,

Уйингиз дўзах гўё.  
Экмабсиз гулу дарахт,  
Қўлингиз синганми ё?

**Ҳамдамий:** Мева экиб боғ қилай,  
Ҳосилини тоғ қилай.  
Гулзор бўлади кўча,  
Димоғингиз чоғ қилай.

**Афифа:** Бор кучни ерга беринг,  
Гулзорга айлантинг.  
Кўча бўлмаса бўстон,  
Эй, йигит, тошни теринг. (*Қарсак янграйди.*)

**Латифжон:** Гувоҳ бўлдинглар замонавий келинлар бадан ва табиат тозалигини ишташади. Ғолибларга пул мукофоти берилади. (*Кўшиқ- чиларга конверт тутқазади, қизлар гул беришади.*) Мукофот муборак бўлсин, кўша қаринглар. Тумандаги “Энг яшил маҳалла” танловида Тинчлик кўчаси ғолиб бўлди. Маҳалла аҳли йўл бўйи, гузар, мактаб ат-рофига минг тупдан зиёд дарахт ва гул кўчати ўтқазиб, ёппасига кўкарти-ришди. Кўчага кирсангиз жаннатда юргандай бўласиз. Пул мукофотини маҳалла раиси Ўктам акага топшираман. (*Раис чиқади. Латифжон конвертни беради*) Раҳмат, ишни шундай давом эттиринглар. (*Қарсак чалинади.*)

**Раис:** Эътиборларинг, мукофот учун раҳмат. Биз дарахт экиш, гул экишдан тўхтамаймиз. Чунки эл соғлиги, келажак авлод бахти дарахт-ларга боғлиқ. Бизни қийнаётган бир муаммо бор. Ҳамма билади, нефт заводидан тутун, ёмон ҳид чиқади. Уни йўқотиш ҳақида арз қилмаган жойимиз қолмади, фойда бўлмади. Минг киши имзо чеккан талабнома бор. Шунингиз сизга топшираман. Экология тозалиги жуда зарур. Гап бўлса қоп-қоп, иш бўлса, тоғдан топ бўлмасин. Сиз бошлиқсиз, амалий иш қилинг. (*Панка беради.*)

**Латифжон:** Бу масала юзасида биз қатъий кураш олиб бораёмиз.

**Раис:** Байрамда бу гап маъқул эмас. Лекин пичоқ суякка етди.

**Латифжон:** Халқ олдида ваъда бераман, яқин кунда амалий чора бўлади. Талабларингни Тошкентга етказаман. Тантана давом этади. Сўз экология жонкуяри ўқитувчи Тўтиёхонга. Бу қизимиз ёш авлодни табиатни севиш, асраш руҳида тарбиялаш билан бирга, экология ҳақида энг яхши шеър ёзди ва танловимиз ғолиби бўлди. Қарсак билан шоирамизни кутиб оламиз. (*Қарсак чалинади. Тўтиё жилмайиб чиқади. Ўнг қўлини кўкрагига қўйиб бош эгади.*)

**Тўтиё:** Ассалом алайкум! Кичик шеъримни катта билиб голиб қилган танлов ҳайъатига раҳмат айтаман. Шеърни бугунги куннинг талаби, зарурат деб юрак амри билан ёздим. Шеърга ҳақиқий баҳони эшитиб кўргач, сизлар барасиз. *(Ифодали қилиб шеърни ўқийди.)*

### **Тоза ҳаво**

Лиқ тўла бўлса ҳам замину само,  
Кўзга кўринмайди жавоҳир ҳаво.

Қилмайин ўзини намойиш сира,  
Камтарин ҳокисор турар доимо.

Кўзга кўринмайин яшагай, аммо,  
Айлади бу гўзал оламни барпо.

Бор жаҳон барҳаёт ҳаво туфайли,  
Ҳавосиз жон тезоб бўлади адо.

Нон азиз, сув азиз эрур ҳақиқат,  
Бош зарур жонга соф ҳаво, аввало.

Асра ҳавони пок улуғ эй, инсон,  
Қолмас усиз тирик бирор жон, ҳатто.

Булғама чанг, дуд, тўзонлар ила,  
Бўлмасин ўз ишинг бошга бало.

Чангсиз минг йил яшайди одам,  
Дер буюк ҳаким Абу Али Сино.

Соғ-омон тотли яшайин деб узоқ,  
Эк ниҳол, бўлади ҳаво мусаффо.

Танҳо бу сайёрани айла бўстон,  
Умр сур жаннатий яшиллик аро.

*(Қарсак чалинади, олқишлар эшитилади.)*

**Латифжон:** Яшанг, Тўтиёхон! Голибага мукофот топширамиз! *(Конверт беради, қизлар гул туттишади. Тўтиё таъзим қилади.)* Байрам давом этади. Гуллар рақсини томошо қилинг. *(Муסיқа янграйди. Гул тутган қизлар ўйнайди.)*

Парда.

## 5 – кўриниш.

Назоратчилар кабинети. Хона рўпарасида деворга туман харитаси илинган. Бир ёнда папка терилган шкаф. Муҳайё, Ислом, Меливой ўз стол-стулларида ўтиради. Стол устида дисплей. Муҳайё ниманидир компьютерда ёзади. Латифжон киради.

**Латифжон:** Носиржон келмаяпти нима бўлдийкин?

**Ислом:** Телефон қилди, маҳаллада қудуқ ёнибди. Мелиса, тез ёрдам, ўт ўчирувчилар келди деди.

**Муҳайё:** Тавба! Қудуқ ҳам ёнадими?

**Ислом:** Сув ёнибди, бир қиз куйибди. Мўъжизали фалокат.

**Меливой:** Ҳеч қандай мўъжиза эмас, бу қиёматнинг дараги. Дадам қиёматда қуёш пасаяди. Ҳамма ёқ ўз-ўзидан ёнади дейди. Бу кетишда инсоният ҳавони булғаб, ер бойлигини совуриб қиёматни яратади.

**Муҳайё:** Меливой, одамни кўрқитиб совуқ нафас қилманг.

**Меливой:** Совуқ нафас эмас, ҳақиқат нафаси. Одамзот ерни казиб олтиндан тортиб нефт, газгача оляпти. Юраётган, учаётган, сузаётган техника; завод, фабрикалар ҳавони булғаяпти. Ўрмонлар кесиб йўқотиляпти. Ер ҳарорати исияпти. Музлар эриса, Нуҳ тўпони пайдо бўлади. Дунё аҳли жоҳиллик билан экология ҳалокати сари кетяпти.

**Латифжон:** Бизни вазифа шу фалокатни олдини олишдан иборат. Энг савоб ишни қиляпмиз. Астойдил бўлинглар, дўстлар. *(Носиржон киради.)*

**Носиржон:** Ассалом алайкум! Жамоат жам, мен кам бўлибди. Ҳаётни қайнаган жойидан келяпман. Ўт ўчириш, тез ёрдам, мелиса бор жойда эконазорат вакили бўлиб қатнашдим.

**Латифжон:** У ерда нима воқеа бўлди?

**Носиржон:** Завод ишчиси Мавлонбекнинг қудуғи ёнди.

**Муҳайё:** Қудуқ нимага ёнибди?

**Носиржон:** Сув ёнадими деб ҳамма ҳайрон. Жумбоқ, сир.

**Латифжон:** Тезроқ гапиринг, сир очилдими?

**Носиржон:** Завод милицияси келиб уй эгасини ҳибсга олгач, очилди. Мавлон ака илгаридан бензин сотарди. Айтишларича, у бизни заводдан Қиргули заводига газилат ҳайдайдиган қуврни тешган экан. Газилат қудуғига келаркан, олиб сотаркан. Мелиса келиб қамоққа олди.

**Латифжон:** Қудуқда бензин бор экан эҳтиёт бўлмайдими?!

**Носиржон:** Эҳтиёт бўларкан. Снглиси меҳмонга келиб қудуқдан қўланса ҳид келяпти. Нима экан деб гугурт чақиб қараса, ёниб кетибди. Қудуққа қўшилиб қиз ёнибди. Ўт ёнидаги бостирмага туташибди. Уйга ўтаётган эди, ўт ўчирувчилар тўхтатишди.

**Муҳайё:** Қизга нима бўлди?

**Носиржон:** Юзи, кўли куйибди. Тез ёрдам олиб кетди.

**Муҳайё:** Қизни оти нима экан?

**Носиржон:** Мавлудахон дейишди.

**Муҳайё:** Вой, бизга келган ҳамширами?

**Носиржон:** Ҳа, бу ерга келган ҳамшира.

**Муҳайё:** Вой! (Латифжонга қарайди, у пешонасини ушлайди.)

**Меливой:** Охири қудук ўчдими?

**Носир:** Ўчди, шундан кейин келдим.

**Муҳайё:** Юзингизга қора тегибди, ювиб олинг.

**Носир:** Бостирмадан сигирни олиб чиқдим. Юваман. (*Чиқади.* Юзига ниқоб тутган, бир кўли бинтланиб елкасига илинган Мавлуда киради.)

**Мавлуда:** Мумкинми?

**Муҳайё:** Вой! Келинг, Мавлудахон, Ҳозир сизни гапириб тургандик. (*Кўришади.*) Қизим, нима бўлди?

**Мавлуда:** Кўргулик, опа, қудук ёниб кетди. (*Йиғлайди.*)

**Муҳайё:** Хафа бўлманг. Шифохонада ётмай нега бу ерда юрибсиз?

**Мавлуда:** Шифохонада бинтлаб малҳам кўйишди. Мени соғлиғимдан муҳим иш бор. Акамни қамашди, уни кутқаринглар.

**Ислом:** Мен ер-сувдан фойдаланиш назоратчисиман. Акангиз қувурни тешиб бензин оларкан. Шунинг учун қамашган.

**Мавлуда:** Акам қувурни тешгани йўқ.

**Носиржон:** Доим бензин сотарди-ку. Жинояти кўриниб турибди.

**Мавлуда:** Акам бензинни ишхонадан оларди. Қудукқа бензин қаердан келди, билмадим.

**Ислом:** Демак, қувурни тешган.

**Мавлуда:** У тешмаган. (*Тебранади, Муҳайё ушлаб стулга ўтқазади.*)

**Муҳайё:** Вой! Ўзингизни тутинг, ўтиринг, қизим.

**Мавлуда:** Қувур акамнинг уйдан узоқда. Ўртада асфалт йўл бор.

**Носир:** Заводда ишлайди, йўлини қилгандир-да.

**Мавлуда:** Йўлини қилиш осон эмас. Мен қувурни тешганни биламан.

**Латифжон:** Қаердан биласиз?

**Мавлуда:** Шифохонага панжаси тешилган киши келди. Мих тешди деди. Лекин кўли қорамой, бензин ҳиди келарди. Қувурни тешишган экан, мой отилиб чиқибди. Панжаси билан тўсса, тешиб юборибди.

**Латифжон:** Қуврдан чиққан мой кўлни тешмаса керак.

**Мавлуда:** Тахта тунука, темирни тешаркан. Акам қувурни тешмаган.

**Латифжон:** Бизни ташкилот нима қилиши керак?

**Мавлуда:** Акам қувурни тешмаганини, бензин қаердандир келишини топсаларинг, кўйилган айб бекор бўлади. Кўйиб юборишади.

**Латифжон:** Хўп, ер-сув, атмосфера назоратчиларини юбораман. Текшириб, хулоса ёзишади.

**Мавлуда:** Шундай қилинг, мен даволанишим керак. (*Чиқади.*)

**Муҳайё:** Бечорага жабр бўлибди. Тўй куни белгиланганми?

**Латифжон:** Белгиланган. Қолдиришга тўғри келади. Ниқоб тутган икки кўли бинтланган келин тўйда ўтирмас.

**Муҳайё:** Ҳа, тузалишини кутишга тўғри келади.

**Латифжон:** Исломжон, асбобларни олиб Носиржон билан Мавлон аканикига боринглар. Бензин қандай қудуққа тўпланганини аниқланглар. Заводга даво аризасини топширамиз. Мелисага далолат берамиз.

**Ислом:** Хўп бўлади. (*Чиқади, эшик таққиллайди.*)

**Латифжон:** Кираверинг, эшик очик. (*Собир ота киради.*)

**Собир ота:** Тозалик идораси шу ерми?

**Латифжон:** Шу ер, отахон. Мен бошлиқман, қандай ишингиз бор?

**Собир ота:** Арз қилгани келдим. Бизни оилага бало ёпишди.

**Латифжон:** Нима қилди, ота?

**Собир ота:** Ўғлимни қудуғи ёнди. Қизим куйди, кўриб чикяпман.

**Латифжон:** Билдик ота, ҳаммамиз ачиняпмиз.

**Собир ота:** Қариганда менга ҳам бало ёпишди. Дехқонман. Йигирма сотик қовун эккандим, қурияпти. Бало ер тагидан келяпти.

**Латифжон:** Нега ундай деяпсиз?

**Собир ота:** Қовунни чилгиси пишганди, есам тахир. Бензинни иси келади. Буни бозор олмайди. Ёрдам бер, ўғлим.

**Латифжон:** Қандай ёрдам бераман?

**Собир ота:** Полизни текшириб бензин ердан келишини исботлайсан. Испаравка қилсанг, суғурта пули беради. Қизимни даволатаман. Борсаларинг бензин ердан чиқишини кўрасизлар. У ерда бозор қизияпти.

**Латифжон:** Ота, Меливой акам сиз билан боради, кўриб келади. (*Меливой папка олади, ота билан чиқиб кетади. Фармон киради.*)

**Фармон:** (Муҳайёга) Опа, чиқиб туринг, бошлиқ билан гаплашамиз. (*Муҳайё чиқади.*) Маслаҳат билан келдим. Аҳоли нефт заводи устидан ёзган шикоятни юқорига жўнатманг.

**Латифжон:** (*Ҳайрон бўлиб*) Нима учун?

**Фармонжон:** Талабни бажариб бўлмайди. Цехлардаги ускуналарга юз йил бўлди. Уларни янгилаш янги завод қуришдан қимматга тушади. Бунча маблағ туманда тугул, вилоятда ҳам йўқ.

**Латифжон:** Вилоятда бўлмаса республикада бор. Шикоят борса маблағ ажратилади. Завод янги қурилади. Экологияга эътибор катта.

**Фармон:** Собик бошлиқингиз Содик соқол маслаҳатга қулоқ солмагани учун ишдан кетди. Заводда бир ярим минг одам ишлайди. Уларнинг

оиласи, бола-чақасини кўшсак ўн минг одамнинг тирикчилиги завод орқали. Заводнинг маҳсулоти республикага зарур. Ватан, халқ ғамини енг.

**Латифжон:** Шикоятни юбормасак завод одамларни захарлаб, умрини қисқартиради. Мен шуни халқ ғамини ейиш дейман.

**Фармон:** Кейин бармоқ тишлаб қолманг, бола.

**Латифжон:** Бола басман, Фармонбек. Халқ талабини яширмайман.

**Фармон:** Сизни огоҳлантирдим, аттанг қиласиз. *(Кўрсатгич бармоғини силтаб чиқади. Дадил юриб Ҳуснилло киради хурсанд сўзлайди.)*

**Ҳуснилло:** Яхшимисиз, дўстим. Қаранг, қудуқ ёнибди. Жиноятчи кўлга олинди, қиз жизза бўлди. Интернетни ёриб юборадиган хабар тарқатдим. Бутун дунёнинг эътибори бизга қаради. Эгрилик фош бўлди.

**Латифжон:** Қудуққа назоратчилар кетди, хулосани кутамиз.

**Ҳуснилло:** Хулоса мен айтгандек бўлади. Собир деҳқонни оиласи сизга мос келмайди. Жизза қиздан воз кечинг. Сизга илмли, нефт-газ соҳасида ўқиган, ўта чиройли келин топдим. Эпли ҳам сепли қиз. Уйи, машинаси бор. Иқтисодингиз юқорига сакраб яхшиланади. Ўз номи ўзи билан Лобархон. Сизни айтсам, маъқул келдингиз. Шу қизга уйланинг. Сизларни топиштирсам кўнглим ўрнига тушади. Қачон учрашасиз?

**Латифжон:** Ўйлаб кўраман.

**Ҳуснилло:** Ўйлаб турунг, келаман. *(Чиқади, Муҳайё киради.)*

**Муҳайё:** Блогер бошлиққа ойдаи келин топдим дейди, тўғрими?

**Латифжон:** Ҳа, гўзал эпли-сепли бой деди. Исми Лобар, танийсизми?

**Муҳайё:** Ҳа, завод директори котибаси. Эпли-сепли, ипли қиз.

**Латифжон:** Эпли-сепли тушунарли. Ипли дегани нима? Қиз чеварми?

**Муҳайё:** Билмадим, шунақа дейишади. *(Носир ва Ислом киради.)*

**Носир:** Мавлоннинг қудуғини текширдик. Чуқурлиги тўрт метр. Нефт заводи қувуридан узоклиги уч юз метр. Ўртада асфалт йўл ўтган. Ҳеч қандай труба ётқизилгани сезилмади. Учта кўшнидан труба ётқизилганми деб сўрасак, хайрон бўлишди. Йўл сира қавланмаган экан. Бензин қудуққа сизот сувдай оқиб келяпти.

**Латифжон:** Шундай деб далолат ёзинглар. *(Меливой киради.)*

**Меливой:** Бошлиқ, Собир отанинг полизига бордим. Гапи тўғри, қовун палаги сарғайиб қурияпти. Банд берган қовундан бир тилик тотиб кўрдим. Ширин, лекин бензин ҳиди келади. Қовунни бозор олмайди.

**Латифжон:** Ота қандай исбот кўрсатди?

**Меливой:** Иш катта, кўзим билан кўрмасам, ишонмасдим. Макка экилган ерда қудуқ қавлаб бензин олишяпти. Учта қудуқ кўрдим.

**Латифжон:** Ҳақиқий бензин эканми?

**Меливой:** Бензин. Йўл бўйида канстрларни қўйиб сотишяпти.

**Латифжон:** Бу ерга келинлар.(*Харита олдига боради. Ручка билан кўрсатиб сўзлайди.*) Бу бизнинг завод, бу Қирғулидаги завод. Бу, заводлар орасидаги ер остида ўтган қувур. Отанинг полизи қаерда?

**Меливой:** Бу ерда, қудуқлар бу ерда. Бу Мавлоннинг уйи.

**Латифжон:** Барчаси бир йўналиш, қувур яқинида жойлашган экан. Қудуқлар чуқурлиги неча метр экан?

**Меливой:** Уч-тўрт метр келади.

**Латифжон:** Қудуқчилардан сўрадингизми? Бензин қаердан келаркан?

**Меливой:** Билмаймиз, завод қувури тешилгандир дейишди.

**Латифжон:** Қувур бетон ичига жойлашган, техникасиз тешиб бўлмайди. Эскиб тешилган. Бензин тупроқ ичида оқиб келяпти. Бу экология фалокати. Мавлон ака уйи, қудуқ, полиз ораси 2-3 километрдан. Қувур бир неча жойдан тешилган. Ҳокимиятдан Фармон ака келиб завод ҳақидаги салбий маълумотни юқорига юборманг деди. Сизлар нима дейсизлар?

**Муҳайё:** Одамларнинг арзини, албатта, юбориш керак.

**Носир:** Мустақилмиз, юборамиз.(*Барча.*) Юборамиз. Юборамиз!

**Латифжон:** Фикримиз бир экан. Муҳайё опа, хат, қувур ёрилгани ҳақида мени кабинетимга кириб вилоятга маълумот юборинг. (*Муҳайё чиқади.*) Қувур атрофини синчиклаб текширамиз, тупроққа етказилган зарарни аниқлаймиз. Қувур узунлиги 20 километр. Иш кўп.

**Барча:** Қиламиз, бажарамиз.

**Латифжон:** Меливой ака, сиз кўпни кўрган, тажрибалисиз. Менга бир келинни эпли-сепли, ипли деб таърифлашди. Эпли-сеплини билдим, ипли дегани қандай маънода?

**Меливой:** Ипли дегани, кўчма жаргон сўз. Енгилтак қизлар ёмон юриб, тўй арафасида зарур жойини тиктириб, чимилдиқда бокира чиқар экан. Шундай қизларга ипли қиз дейилади.

**Латифжон:** Шунинг учун қиз уйли, машинали дейишган экан.

**Носиржон:** Таърифланган келин ким эди?

**Латифжон:** Исми Лобар, заводда ишлар экан.

**Носиржон:** Барбия қўғирчоғи, таниқли. Мавлуда нима бўлди?

**Латифжон:** Уни куйик, жизза дейишяпти.

**Носиржон:** У яхши қиз, бевафолик қилманг. Ё бойликка учяпсизми?

**Латифжон:** Йўқ, таклифни текширдим, холос. (*Муҳайё киради.*)

**Муҳайё:** Вилоятга маълумот юбордим. Бошлиқ ўзи келаман деди.

**Латифжон:** Карим Каримовични қуруқ кутмайлик. Қувур бўйлаб икки гуруҳ бўлиб юрамиз. Тупроқдан намуна олиб ифлосланиш миқдори-ни аниқлаймиз. Асбобларни олинлар, ишга кетдик. (*Бирин- кетин чиқишади. Охирида Латифжон боради. Ҳуснилло кириб уни қўлидан тутуди.*)

**Хуснилло:** Бир дақиқа тўхтанг. Айтилган номзодни ўйладингизми? Қиз сизни танир экан рози, сиз кўнсангиз бўлди.

**Латифжон:** Маъқул келмади. Номзод эпли-сепли-ипли қиз экан.

**Хуснилло:** Ипли эканинин ким айтди?

**Латифжон:** Ҳамма биларкан, етказишди.

**Хуснилло:** Чатоқсиз, мукофотдан маҳрум қилдингиз. Ҳеч бўлмаса мен учун кўнинг, илтимос. (*Чиқишади.*)

Парда.

## 6 – кўриниш.

Назоратчилар хонаси. Тўридаги стулда Карим ака ўтиради. Латифжон ўнг томондаги стулда, қолганлар ўз жойида ўтиради.

**Карим ака:** Қувурни текшириш натижаси нима бўлди?

**Латифжон:** Қувурни асбоб билан текширдик. Тўрт жойда ёрик борлиги, ёқилиғи оқаётганини кўрсатди. Тупроқдан намуна олиб, исботладик. Битта қудуқ ёнди, бир киши куйди. Дала ўртасида учта қудуқда аҳоли ёқилиғи олиб сотяпти. Заводни тўхтатмаса бўлмайди. Юз йил ишлаган труба чириган. Тупроқ заҳарланиши кун сари кўпаяди.

**Карим ака:** Заводни бирдан тўхтатиб бўлмайди, ишсизлик кўпаяди, норозилик ортади. Бу иш президент назоратида турибди. Қиргули шаҳарчасидаги завод кенгайди. Энг янги ускуналар олиняпти. Бу завод ёпилади. Ишчилар Қиргулига кўчади. Ҳозир ҳокимият вакили билан бориб аҳволни тушунтирамиз. Заводни бир қисмини, насос станциясини ёпамиз. Экология бузилиши олди олинади. Ишлаб чиқарилган маҳсулот қувурдан юборилмай машина билан ташилади. Заводга бориб муҳрлаб келамиз. (*Чиқишади. Латифжон Муҳайёга тайинлайди.*)

**Латифжон:** Опа, келганларни қабул қилинг. (*Чиқади.*)

**Муҳайё:** Хўп бўлади. (*Ўтириб компьютерда ёзади. Илёс киради.*)

**Илёс:** Муттаҳам ташкилот экансизлар. Ўзим эккан дарахтни кесганим учун жарима тўладим. Тўламайман десам, судга оширамиз дейишди. Унда судни харажатини ҳам тўлар эканман. Болаларим ризкини қийиб тўладим. Мана тўловнома. (*Қогоз беради.*) Ёзиб қўйинг.

**Муҳайё:** Бўпти белгилаб қўяман. (*Иш дафтарига белгилайди. Илёс чиқади. Тўравой киради.*)

**Тўравой:** Олдин номиям, ўзиям йўқ ташкилот эдинглар, энди ҳукумронга айланибсиз. Бошлиғингиз бориб заводнинг ярмини муҳрлади. Директор ялинса ҳам кўнмади. Қолганини ҳам беркитаман дейди. Одамларни қарғишига қолади. Бу кетишда бир балога учрайди.

**Муҳайё:** Тўравой, шу гапни айтгани келдингизми?

**Тўравой:** Ҳаммом сувини тиндирувчи ҳовуз қурасан, филтр ўрнатасан деганди, бажардим. Ишлашга рухсат берар деб келсам, кабинети берк. Бошлиқ қаёққа кетди?

**Муҳайё:** Заводдан келгани йўқ.

**Тўравой:** Машинага чиққанини кўрдим. Қаёққа кетдийкин?

**Муҳайё:** Вилоятдаги бошлиқ келганди, кузатаётгандир.

**Тўравой:** Халқни қақшатиб қўйиб, зиёфатда ўтиришгандир. Бугун келмайди. Мени гапимни етказиб қўйинг, инспектор бориб кўрсин, ҳаммомни очилишга рухсат берсин. *(Кетади.)*

**Муҳайё:** Хўп, айтаман. *(Эшик тарақлаб очилади. Носир киради.)*

**Носир:** Сиздан бўлак ҳеч ким йўқми?

**Муҳайё:** Ҳамма заводга кетганди, ўзим, холос.

**Носир:** Заводдаги иш аллақачон тугади. Хунук хабар эшитдим. Бошлиғимиз Латифжонни отиб кетишибди. Ҳушсиз ҳолда шифохонага олиб келишибди.

**Муҳайё:** Вой, Худойим! *(Туради, икки қўлида юзини ушлайди.)* Ким отибди? Нимага отади? Гапирсангиз-чи!

**Носиржон:** Билмадим, хабарим йўқ. Шифохонага борай, аниқлайман. *(Чиқиб кетади. Муҳайё тик турганча қолади.)*

Парда.

## 7 – кўриниш.

Назоратчилар хонаси. Носиржондан ташқари ҳамма ўз жойида хомуш ўтиради. Сукунат.

**Муҳайё:** Бечора Латифжонни бошида бу кўргулик ҳам бор экан. Отасидан эрта айрилиб етимлик билан ўсганди. Мадикор ишлаб юриб институтда ўқиган. Шунга айтади-да етимни оғзи ошга етганда, бурни канабди деб. Ойлик олиб қаддини тиклаётганди. Уйланмоқчи эди.

**Меливой:** Бошлиқнинг оиласи неччи жон?

**Муҳайё:** Иккита опаси турмушга чиққан. Она-бола туришади.

**Меливой:** Тарбия кўрган юмшоқ йигит экан. Мулойим гапирарди.

**Муҳайё:** Ҳаётда ҳамма нарсага ўз кучи билан эришган камтар йигит.

**Ислон:** Хабар олайлик, ёрдам керакдир, қон зарур бўлса берамиз.

**Муҳайё:** Носиржондан, аҳволни билайлик, унга қараб иш қиламиз.

**Меливой:** Илгари экологияни биров билмасди, гапирмасди. Бошлиқни мияси бутун, зарур бўлишини билиб шу соҳага ўқиган экан. Ҳозир энг долзарб соҳага айланди. Инсониятни келажаги экологияга боғлиқ. Кўп одам буни тушунмай беписанд, ҳатто, душманлик билан қарайди. Заводни бекилиши кўпчиликни бизга қарши қилиб қўйди. Латифжонни ана шундай

жоҳил, ношукур гумроҳ отган. Бунақаларни ушлаб умрбод камаш керак. Шунда табиат соғлом бўлади. *(Носиржон киради. Ҳамма қарайди.)*

**Носиржон:** Ассалом алайкум, ҳамкасблар. Ўтирибсизларми?

**Муҳайё:** Келдингизми, ука, тезроқ бошлиқ ҳақида гапиринг.

**Носиржон:** Кеча бошлиқ ўзига келгунча, олдида ўтирдим. Ярим кечада суҳбатлашиб, уйга қайтдим.

**Ислон:** Нима воқеа бўлибди? Ким уни отибди?

**Носиржон:** Заводни муҳрлашгач, катта бошлиқ бензин қудуқларини кўраман дебди. Латифжон олиб борибди. Ҳозир қудуқлар кўпайиб ўнтача бўлибди. Одамлар бензин олишиб сотишар экан. Савдо қизибди. Карим Каримович насосларни тўхтатиб тўғри қилибмиз дебди. Кейин вилоятга кетибди. Бизни бошлиқ полизга ўтибди. У ерда Мавлон ака дадасини кўргани келган экан. Иккаласи гап талашиб қолибди.

**Меливой:** Латифжон гап талашадиган йигит эмас, ювош-ку.

**Носиржон:** Мавлон маст экан. Мени ишсиз қўйдинг, синглимни бадном қилдинг деб қизишибди, сўкинибди.

**Ислон:** Ие, бошлиқ Мавлонни синглисини қачон бадном қилибди?

**Носиржон:** Мавлонни синглиси Мавлуда билан бошлиқ унаштирилган, тўй куни белгиланган экан. Қудуқ ёнганда Мавлуда куйган. Буни эшитиб Латифжонни онаси ўғлим куйган қизга уйланмайди деб айнибди. Мавлонни шунга ғазаби келибди. Латифжон паст келиб қайтаётганда, Мавлон орқасидан милтиқда отибди. Бошлиқ йиқилибди, Собир ота Тез ёрдам чақирибди. Шифохонага келтиришибди.

**Ислон:** Мавлон номард экан, одамни орқасидан отадими?!

**Меливой:** Мавлон ярамас милтиқни қаердан олибди?

**Носиржон:** Дадаси Собир ота полизда милтиқ сақлар экан.

**Муҳайё:** Ҳозир бошлиқнинг аҳволи қандай?

**Носиржон:** Мавлудахон шифохонада даволанябди ва Латифжонга қараяпти. Телефонда гаплашдим аҳволи жуда яхши деди.

**Ислон:** Жиноятчи Мавлон ушалдими?

**Носиржон:** Кайфи тарқагач, одам ўлдирдим деб мелисага ўзи борибди. Ҳозир тавбасига таяниб қамоқда ётибди.

*(Эшикдан боши бинтланган Латифжон, ниқобли Мавлуда киради.)*

**Муҳайё:** Вой! Латифжон келди!

**Ислон:** Ие! Бошлиғимиз келди! *(Ҳамма туради ўртага юради.)*

**Мавлуда:** Кўришиш мумкин эмас. Узоқроқ туриб гаплашинглар.

**Муҳайё:** Чарчаб қолмасин, ўтириб олсин.

**Мавлуда:** Ўтириш ҳам мумкин эмас. Юриш ҳам мумкин эмасди, Латиф акам бораман деб турволди. Бир минутга кирдик. Тез ёрдам машинаси пастда кутиб турибди.

**Латифжон:** Мен яхшиман, хавотир олманглар деб келдим. Завод тутун чиқармай қўйгани учун шифохона бош врачлари хурсанд бўлиб, мени алоҳида хонага ётқизди. Фақат менга қарагани битта ҳамшира ажратди.

**Муҳайё:** У ҳамшира ким экан?

**Латифжон:** Мана турибди, Мавлудахон. Унинг ғамхўрлиги туфайли тез соғайдим. Кейин милтиқни ўқи туз экан. Кўп жароҳат олмадим, яқин-да бутундай тузаламан. *(Юз-кўзи сербўёқ, бармоғи тўла узук, билакузук таққан, қулоғида катта зиракли Лобар киради. Белини ушлаб сўзлайди.)*

**Лобар:** Латифжон ака, мени нимага ҳақорат қилдингиз?

**Латифжон:** Сизни танимайман, ҳақорат қилганим йўқ.

**Лобар:** Сизга блогер таништирган Лобар пошша мен бўламан.

**Латифжон:** Блогер эпли-сепли, уйли, машинали қиз дегани сизми?

**Лобар:** Худди ўшаман. Нега мени ипли қиз деддингиз?

**Латифжон:** Бу сўзни маъосини тушунмай гапирибман.

**Лобар:** Нега ҳақорат қиласиз? *(Ғазабланиб юради, Мавлуда тўсади.)*

**Мавлуда:** Лобархон, яқинлашманг, бошлиқ ярадор бўлган.

**Лобар:** Сизни ишингиз бўлмасин, йўлни тўсманг.

**Мавлуда:** Мен Латифжон акамга шифохонада қараяпман.

**Лобар:** Ҳа! Жизза қиз, сиз мени ипли қиз деб бошлиққа чаққансиз. Ўзингиз унга эришмоқчимисиз?! Ниқобни очинг, куйикни ҳамма кўрсин. *(Ниқобни юлиб олади. Қизнинг оппоқ юзи кўринади.)* Вой, Жизза қани?

**Мавлуда:** Даволандим. Яхши врачлар пластик операция қилишди. *(Ниқобни тақади. Ташиқарида машина узиб-узиб сигнал чалади.)*

**Ислон:** Тавба! Қизлар орасида бошлиқ талаш бўляптими?!

**Носиржон:** Бошлиқ эмас, куёв талаш бўляпти. *(Сигнал чалинади.)*

**Муҳайё:** Қизларим, *(Деразадан қараб.)* бошлиқни машинада сигнал чалиб чақиритишпти, рухсат беринглар. Аввал, яхшилаб даволансин. Ким келин бўлишини, шундан кейин аниқлайсиз. Юринг, Латифжон. *( Эшик томон бошлайди. Ҳамма чиқади.)*

Парда.